



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI DAVLAT SOLIQ QO'MITASI

ГОСУДАРСТВЕННЫЙ НАЛОГОВЫЙ
КОМИТЕТ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

STATE TAXATION COMMITTEE OF THE
REPUBLIC OF UZBEKISTAN

100011, Toshkent shahri, Abdulla Qodiriy ko'chasi, 13 A uy Tel.:244-97-16, Faks:244-89-12, www.soliq.uz

2019 yil 17 01
01-01128-son

Қорақалпоғистон Республикаси,
Тошкент шаҳар ва вилоят давлат
солиқ бошқармаларига

Давлат солиқ қўмитаси томонидан “Меркурий” русумидаги назорат касса машиналари харид чекида қўшилган қиймат солиқ (ҚҚС) сумасини акс эттиришни дастурлаш бўйича Қўлланма” ишлаб чиқилиб, амалда фойдаланиш учун юборилмоқда.

Мазкур қўлланмада “Меркурий-115-F” дастурий маҳсули “Uz-107” бўлган назорат касса машиналари учун мўлжалланган.

“Меркурий” русумидаги назорат касса машиналари харид чекида қўшилган қиймат солиқ (ҚҚС) суммасини акс эттиришни дастурлашда 5 та гуруҳ (секция) мавжудлигини инобатга олиб, савдо нуқталарида қўлланилаётган ҚҚС ставкасидан келиб чиқиб, ҳар бир секцияни битта ҚҚС ставкаси учун дастурлаш кўзда тутилган.

Юқоридагиларни инобатга олиб, ҳар бир туман (шаҳар) ларда назорат касса машиналарига хизмат кўрсатувчи корхоналар мутахассислари билан ҳамкорликда, биринчи навбатда қўшилган қиймат солиғи тўловчиси бўлган корхоналарга тегишли назорат касса машиналарини қўлланма асосида дастурлаш ишларини ташкил этилсин. (Қўлланма илова қилинади.)

Амалга оширилган ишлар юзасидан иловада келтирилган жадвал асосида Давлат солиқ бошқармаларида умумлаштирилган маълумотни ҳар куни Давлат солиқ қўмитасига тақдим этиб бориш топширилади.

Назорат касса машиналарини дастурлаш жараёнида юзага келаётган муаммо ва саволлар бўйича қуйидаги телефонларга муржаат қилишингиз мумкин.

IP – 01252, 71-241-82-12

90 – 961-26-54

Илова: 2 та электрон файлда

Раис ўринбосари

Х.Шакиров

**«Меркурий» русумидаги назорат касса машиналари харид чекида
қўшилган қиймат солиқ (ҚҚС) суммасини акс эттиришни дастурлаш
бўйича**

Қ Ў Л Л А Н М А

Мазкур қўлланма “Меркурий-115F” дастурий маҳсули “Uz-107” бўлган назорат касса машиналари учун мўлжалланган.

«Меркурий» русумидаги назорат касса машиналари (НКМ) харид чекида қўшилган қиймат солиқ (ҚҚС) суммасини акс эттиришни дастурлашда 5 та гуруҳ (секция) мавжудлигини инобатга олиб, савдо нуқталарида қўлланилаётган ҚҚС ставкасидан келиб чиқиб, хар бир секцияни битта ҚҚС ставки учун дастурланади.

Дастурлашни НКМларга хизмат кўрсатувчи механиклар томонидан солиқ органлари ходимлари иштирокида амалга оширилиши лозим.

1. ҚҚС ставки20 фоиз бўлган корхоналар учун:

НКМ харид чеки қуйидагича кўринишда бўлиши лозим:

```
000"SMART TRADE"
ул.Аббас АОВ#4
#НАС 20%
ПРОД. ПИТАНИЯ
1СК 200000
П.ИТОГ 20000
НАС 20% 20.00%
В.Т.Ч. 3333
ИТОГ =20000
16.01.19 21:50 ОП: 1
ЧЕК:000000001 ФИСКАЛЬНЫЙ
ИНН 000537304719
ККМ 01349058
*СПАСИБО ЗА ПОКУПКУ!*
```

**2. Соддалаштирилган ҚҚС тўловчи чакана савдо корхоналари
учун:**

Мисол учун, чакана савдони амалга оширадиган савдо корхонасида бир вақтнинг ўзида асосий маҳсулотлар билан бирга қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сотиладиган бўлса, асосий маҳсулотлар учун 1-гуруҳ (секция) 6% ҚҚС тўлови ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари учун 2-гуруҳ (секция) 4% лик ҚҚС солиғи учун дастурланади. Натижада асосий маҳсулотлар ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари биргаликда харид қилинганда, харид чеки қуйидаги кўринишда бўлиши лозим:

```
000"SMART TRADE"
ул.Аббас АОВ#4
#РОЗНИЧНАЯ ТОРГОВЛЯ
ПРОД. ПИТАНИЯ
2СК 200000
#СЕЛЬХОЗ ПРОДУКЦИЯ
СЕЛЬХОЗ ПРОДУКЦИЯ
3СК 200000
П.ИТОГ 40000
НАС 6% 6.00%
В.Т.Ч. 1132
НАС 4% 4.00%
В.Т.Ч. 769
ИТОГ =40000
16.01.19 21:50 ОП: 1
ЧЕК:000000002 ФИСКАЛЬНЫЙ
ИНН 000537304719
ККМ 01349058
*СПАСИБО ЗА ПОКУПКУ!*
```

3. Умумий овқатланиш корхоналари учун:

Умумий овқатланиш корхоналари соддалаштирилган ҚҚС тизимида бўлган ҳолларда 10% лик ҚҚС суммаси киритилади, агар умумий овқатланиш корхонаси стандарт ҚҚС тизимида бўлган ҳолларда 20% лик ҚҚС суммаси киритилиб, НКМ дастурланади ва харид чеки қуйидаги кўринишда бўлиши лозим:

```
000"SMART TRADE"
    УЛ.Аббас АОН#4
#ОБШ.ПИТ
Кухня
ЧСК                200000
-----
П.ИТОГ              20000
НАС 10%             10.00%
В.Т.Ч.              1818
-----
ИТОГ                 =20000
16.01.19 21:51 ОП: 1
ЧЕК:000000004 ФИСКАЛЬНЫЙ
ИНН 000537304719
ККМ 01349058 @
*СПАСИБО ЗА ПОКУПКУ!*
```

```
000"SMART TRADE"
    УЛ.Аббас АОН#4
#НАС 20%
Кухня
ЧСК                200000
-----
П.ИТОГ              20000
НАС 20%             20.00%
В.Т.Ч.              3333
-----
ИТОГ                 =20000
16.01.19 21:50 ОП: 1
ЧЕК:000000001 ФИСКАЛЬНЫЙ
ИНН 000537304719
ККМ 01349058 @
*СПАСИБО ЗА ПОКУПКУ!*
```

4. Бензин, газ, суюлтирилган газ ва дизель ёқилғиси билан савдо қилувчи шахобчалар учун:

Бензин, газ, суюлтирилган газ ва дизель ёқилғиси билан савдо қилувчи шахобчалар назорат касса машиналарини дастурлашда, ҚҚС суммасини ҳисоблаб чиқариш учун акциз солиғини чегириб ташлаш лозимлигини ва назорат касса машинасининг имкониятларини инобатга олиб, қуйида келтирилган формулада шартли коэффициент ҳисоблаб чиқилади:

$$\text{ШК} = \frac{[(C-A) / (100+H) * H] / [C-(C-A) / (100+H) * H] * 100}$$

Бу ерда:

ШК – Шартли коэффициент;

С – Маҳсулот (товар)нингбирбирликучун нарҳи;

А – Маҳсулот (товар)нингбирбирлиги учун акциз солиғи суммаси;

Н – ҚҚС ставкаси;

Мисол учун:

А-80маркали бензин учун ҚҚС суммасини дастурлашда шартли коэффициентни ҳисоблаб чиқариш:

С – Маҳсулот (товар)нингбирбирликучун нарҳи - 4000 сўм

А – Маҳсулот (товар)нингбирбирлиги учун акциз солиғи – 285 сўм

Н – ҚҚС ставкаси - 20%

Шартли коэффицентни ҳисоблаймиз:

$$\text{ШК} = [(4000 - 285) / (100 + 20) * 20] / [4000 - (4000 - 285) / (100 + 20) * 20] * 100 = 18,31$$

Демак 18,31 - бу шартли коэффицентдир.

Ҳисоблаб чиқилган шартли коэффицент 18,31 дастурлаш даврида НКМнинг ҚҚС ставкасиячейкасига киритилади.

ҚҚС ставкаси кўрсатилаётган қаторда (НДС20% КОЭФ 18.31) шаклда кўрсатилиши лозим.

Натижада, НКМ қуйидаги кўринишда чек чоп этади.

```
000"SMART TRADE"
ул. Абая дом#4
#НДС 20% без акциза
АН 80
ЗСК 40000
П.ИТОГ 4000
НДС20% КОЭФ. 18.31%
В Т.Ч. 619
ИТОГ =4000
16.01.19 22:41 ОП: 1
ЧЕК: 00000005 ФИСКАЛЬНЫЙ
ИНН 000537304719
ККМ 01349058
Цены указаны с учетом
акцизного налога
*СПАСИБО ЗА ПОКУПКУ!*
```

Чекдаги В Т.Ч. каторида акс этган 619 сўмнинг тўғрилигини қуйидаги мисолда қўлда ҳисоблаб текшириш мумкин:

Харид қилинган 1 литр А-80 маркали бензиннинг нархи 4000 сўм ва акциз солиғи 285 сўм бўлса, ҚҚС солиғи қуйидагича ҳисобланади:

$$4000 \text{ сўм} - 285 \text{ сўм} = 3715 \text{ сўм}$$

$$\text{ҚҚС солиғи: } 3715 * 20 / 120 = 619,16$$

Демак, НКМ тўғри дастурланган.

```
000"SMART TRADE"
ул. Абая дом#4
#НДС 20% без акциза
АН 91
ЗСК 45000
П.ИТОГ 4500
НДС20% КОЭФ. 18.50%
В Т.Ч. 702
ИТОГ =4500
16.01.19 22:40 ОП: 1
ЧЕК: 00000004 ФИСКАЛЬНЫЙ
ИНН 000537304719
ККМ 01349058
Цены указаны с учетом
акцизного налога
*СПАСИБО ЗА ПОКУПКУ!*
```

А-91 маркали бензин учун коэффицент юқоридаги формула орқали ҳисобланганда 18,5 ни ташкил қилади. Юқоридаги тартибда дастурланган НКМ дан қўйидаги кўринишдаги НКМ чеки чиқади:

2200 сўмдан реализация қилинаётган метан газидан учун ҳисобланган коэффициент 16.19 ни ташкил қилади. Қўрсатилган тартибда дастурланган НКМ дан қўйидаги қўринишдаги НКМ паттаси чиқади.

ООО "SMART TRADE"
ул. Абая дом#4
#НДС 20% без акциза
МЕТАН
1СК 22000
П. ИТОГ 2200
НДС 20% КОЭФ. 16.19%
В Т.Ч. 306
ИТОГ =2200
16.01.19 22:40 ОП: 1
ЧЕК: 00000002 ФИСКАЛЬНЫЙ
ИНН 000537304719
ККМ 01349058.00
Цены указаны с учетом
акцизного налога
СПАСИБО ЗА ПОКУПКУ!